



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 7 август, № 153 (4306)

Сешанба



Августдаги меҳнат — пахтадан
юқори ҳосил олиш гарови

ОФТОБГА ТАЛПИНГАН ҒЎЗАЛАР

Мамлакатимиз иқтисодиётида пахтанинг ўрни бекиёс. Бу қимматбаҳо хом ашё давлатимизнинг экспорт салоҳиятида ўзига хос салмоққа эга. Шу боис, ўзбек деҳқони ерга уруғ қадаб, то ҳосилни йиғиб олмагунча, рўзгорини дала бошига кўчиради.



— Ғўза бошқа экинларга қараганда хийла нозик, ўзига хос "иззатталаб" ўсимлик, — дейди Избоскан туманидаги "Гулзор пари" фермер хўжалиги раҳбари Ойстахон Уринова. — У туну кун парвона бўлмоқчи, узлуксиз парваришни

ёқтиради. 140 гектар экин майдонимиз бор. Шундан 93 гектариди ғўзанинг "Анджон -35" навини зарур агротехник тадбирлар асосида парваришляялгимиз. Маълумки, август ойида ғўза зараркуналлари урчий бошлади. Қўсақ қурти,

ўргимчаккана ҳосилнинг офати. Айни кунларда уларга қарши курашда биологик усулдан самарали фойдаланаялгимиз. Ғўзалар шарбат сувига тўйинтирилгани боис, туپроқда етарли нам тўпланди. Ҳосил тақдирини ҳал бўлаётган пайтда таж-

рибали механизатор ва сувчиларимиз бор маҳоратларини ишга солишмоқда. **СУРАТДА:** «Гулзор пари» фермер хўжалиги раҳбари Ойста Уринова ўз даласида. **Хурсандбек АРАББОВ** олган сурат. **2-бетга қаранг**

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа бизни энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг қутлуг 16 йиллик шодибаналари сари тобора яқинлаштирмоқда. Бугун кўчаю хиёбонларда, маҳалла гузарларию турли маданий марказларда, сайилгоҳларда, бозорлару савдо масканларида, хуллас, қайси бир гўшада бўлмасин, ана шу кунга қизгин ҳозирлик кўрилатганининг гувоҳи бўласиз. Юртдошларимизнинг юзида эса ўзгача бир ҳаяжон ва интиқлик шундоққина сезилиб турибди. Зеро, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарориди таъкидлаганидек, "Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!"



Дарвоқе, газетамиз саҳифаларида ташкил этилган янги руҳи ҳам "Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!" деб номланди. Мазкур руҳда мамлакатимизнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган кишиларнинг дил сўзларини мунтазам бериб боришни режалаштирганмиз. Бугун улардан айримлари билан танишасиз.

БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ!

— Гапга унчалик ҳам уста эмасман-у, аммо дилимдагидеяни айтмасам бўлмайди. Шу байрам яқинлашса бир воқеа эсимга тушади. Эндигина мустақил бўлган йилларимиз эди. Байрам баҳона уйда ош қилдик. Бугун оила йиғилган. Невараларимдан қўшниларга ҳам ош чиқариб юбордим. Эртаси кун кўчада сўраб қолишди: "Эргаш ака, кеча уйда бирор тадбир қилдингизми? Невараларингиз йўқлаб чиқибди. Аммо-лекин, ошнинг жуда боғлабозилар. Ҳаммамиз маза қилиб едик. Кам бўлманг. Нима гап эди ўзи?" Уларнинг хайрон бўлиб сўраганини тушундим. Шу боис, оиламиз билан байрамни нишонлаганимизни, паюв қилиб, ўзимиздан ортганини қўшилларга ҳам илганимизни айтдим. Уйланиб қолдик. Худди бундан бир янгиликдай қабул қилишди. Мен ҳам ортиқча изоҳ бериб ўтирмадим...

— Гапга унчалик ҳам уста эмасман-у, аммо дилимдагидеяни айтмасам бўлмайди. Шу байрам яқинлашса бир воқеа эсимга тушади. Эндигина мустақил бўлган йилларимиз эди. Байрам баҳона уйда ош қилдик. Бугун оила йиғилган. Невараларимдан қўшниларга ҳам ош чиқариб юбордим. Эртаси кун кўчада сўраб қолишди: "Эргаш ака, кеча уйда бирор тадбир қилдингизми? Невараларингиз йўқлаб чиқибди. Аммо-лекин, ошнинг жуда боғлабозилар. Ҳаммамиз маза қилиб едик. Кам бўлманг. Нима гап эди ўзи?" Уларнинг хайрон бўлиб сўраганини тушундим. Шу боис, оиламиз билан байрамни нишонлаганимизни, паюв қилиб, ўзимиздан ортганини қўшилларга ҳам илганимизни айтдим. Уйланиб қолдик. Худди бундан бир янгиликдай қабул қилишди. Мен ҳам ортиқча изоҳ бериб ўтирмадим...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Янги қонун лойиҳаси муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур қўмита раиси А. Аҳадов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазири, идора ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Йиғилишда ушбу қонун лойиҳасининг мақсади қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, муомалада юритиш, сўндириш ва бекор қилиш жараёнидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат экани таъкидланди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозори очилишини ва самарали фаолият кўрсатишини, қимматли қоғозлар бозоридида инвесторлар ва қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлаш мақсадида назорат олиб бориш ва бошқариш тартибларини белгилайди. Йиғилишда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тарихи узоқ асрларга бериб тақалади. Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк бобоқалонларимиз даврида шаклланган дўстлик ва ҳамкорлик Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг янгича мазмун-моҳият касб этди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муқор элчиси Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ хоним билан суҳбатлашди.

Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ:

ЎЗБЕКISTON — ФИДОЙИ ВА ҒАЙРАТЛИ ИНСОНЛАР ВАТАНИ

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг шу йил апрель ойида Миср Араб Республикасига расмий ташрифидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланмоқда? — Жорий йил март ойида Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоииз Абуннажо хоним Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф давомида кўплаб ҳужжатлар имзоланди, икки томонлама муносабатлар билан боғлиқ таълим масалалар муҳојима қилинди. Бу катта саммитга ўзига хос тайёргарлик эди. Сўнгра жуда муҳим ва биз анча вақт-

дан буён кутаётган воқеа рўй берди — Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов Мисрга ташриф буюрди. Ташрифнинг дастлабки натижаларидан бири эса 3 июлдан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиаконкомпаниясининг самолётлари Миср ва Ўзбекистон ўртасида катнай бошлагани бўлди. Илгари транзит парвозлар орқали 24 соатгача чўзилган йўл энди 4 соатга босиб ўтилоқда. Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримовнинг Мисрга ташрифи жуда катта халқаро аҳамият касб этди. Ташриф

МУСТАҚИЛ ЮРТ ҒАЛЛАСИ

Мустақил юрт ғалласи! Бу иборани гурур ва ифтихор билан яна ва яна тилга олгимиз келади. Сабаби, фақат мустақиллик давридагина ҳар бир гарди, ҳар бир зарраси биға азиз бўлган она туپроғимиз бемисл барака бўлмоғига айланди. Шу она заминда етиштирилаётган ширин-шакар меваларимиз, савабавоту пахтаимиз салмоғи йил сайин ошиб, улар фақат ўзимизни эмас, балки узоқ-яқин эл-юртларни таъминлашга ҳам бемалол етиб ортмоқда. Яна бир қувонарли ҳақиқат шундаки, жумладан, она Ўзбекистонимиз бой-бадавлат ғалла ўлкасига айланмоқда. Ҳа, юртимизда ғалла ҳосилдорлиги йил сайин кўтарилиб бормоқда. Чунки, 2004-2005 йилларда ғалла майдонларида 5,5-5,8 миллион тонналик улкан дон хирмони етиштирилди. 2006 йилда эса 6 миллион 100 миң тонналик янада каттароқ ҳосилга эришдик. Ниҳоят, жо-

Нон ҳақида сўз

ри йил бу жабҳада эришилган ютуқлар янада қувонарли бўлди. Она заминимиз илк бор 6 миллион 250 миң тонналик улкан дон хирмони ҳада этди. Бу — юртимизнинг мустақиллик йилларида барака-хайри тобора ортиб бораётганидан яна бир далолат эмасми?!

— Негаки, Ўзбекистонда бор-йўғи 770-870 миң гектар ерда ғалла экишга "юқори" дан руҳсат этилар эди. Бу ердан олинадиган атиги 940 миң тонна дон юртдошларимиз эҳтиёжи учун урвоқ ҳам бўлмас эди. Бунинг устига, ғалла фақат лалмикор ерларда етиштирилгани боис, ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 17 центнердан ҳеч ошмасдан келарди. Шу боисдан, ғалланинг катта қисмини (маълумотларга кўра, ҳар йили 3 миллион тонна ғалла) Ўзбекистон четдан олишга мажбур эди. Ўзбекистонни бундай янги аҳволга шўро тузуми солган эди. Лекин шунга қарамастан, яна худди шу шўро тузумининг ўз раҳбарлари юртимизни "боқиманда республика" деган таҳқирнон билан ҳам атаган эди.

Аммо биз бу ютуқларга ўзидан эришганимиз йўқ. Ватанимиз яқин ўтмишда, янада аниқроғи, мустақиллик даврида, кўпгина озиқ-овқатлар қаторида ғаллани четдан

оларди. Негаки, Ўзбекистонда бор-йўғи 770-870 миң гектар ерда ғалла экишга "юқори" дан руҳсат этилар эди. Бу ердан олинадиган атиги 940 миң тонна дон юртдошларимиз эҳтиёжи учун урвоқ ҳам бўлмас эди. Бунинг устига, ғалла фақат лалмикор ерларда етиштирилгани боис, ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 17 центнердан ҳеч ошмасдан келарди. Шу боисдан, ғалланинг катта қисмини (маълумотларга кўра, ҳар йили 3 миллион тонна ғалла) Ўзбекистон четдан олишга мажбур эди. Ўзбекистонни бундай янги аҳволга шўро тузуми солган эди. Лекин шунга қарамастан, яна худди шу шўро тузумининг ўз раҳбарлари юртимизни "боқиманда республика" деган таҳқирнон билан ҳам атаган эди.

Биринчи ярим йилликда қасб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар қурилишига оид марказлашган маблағларнинг **82** фоизи ўзлаштирилди. Қурилиш объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрланиб, уларнинг манзилли рўйхатлари тасдиқлангани бунда муҳим омил бўлди. Натيجида, қасб-хунар коллежларида 7890 ўқувчига мўлжалланган 12 та объект, академик лицейлардаги 1440 ўқувчига мўлжалланган 2 та объект фойдаланишга топширилди.

Биринчи турда Андрей Мирзаахмедов бошчилигидаги Ўзбекистонлик ёш шахматчилар Австралиянинг учинчи жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратилганди. Иккинчи турда уларга Шри-Ланканинг биринчи жамоаси рақиб бўлди. Қизилқарий кенган баҳсда Жамшид Мустафоев — Ражапқашани, Хуршид Мустафоев —

Рашин де Сильвани, Улуғбек Тиллаев эса Сахан Сачинтхани мағлубиятга учратди. Фақат Евгений Пак — Хапурачига ўтказиб қўйди. Умумий ҳисоб 3:1 юртдошларимиз

— Қандай байрам бўлмасин, уни нишонлаш, шундай қутлуг кунларда дўсту бирдорлар билан бирга бўлиш завқига нима етсин. Шу боис ҳам имкони борича айёлларни ўзгача кайфият билан қутиб олишга ҳаракат қиламиз. Лекин уларнинг ичида Мустақиллик олайми барибир бошқача. Шахсан шу кун мен оилам даврасида бўлиб, байрамни тўқин дастурхон атрофида қутиб олишни хуш кўраман. Ўрни келганда дилимдаги гапни ҳам айтиш. Қаранг, бир пайтлар коллеж деган сўз муомаладада умуман йўқ эди. Бундай илм даргоҳининг мақсади, вазифалари қандай эканини, ҳатто тушунмасдик ҳам. Бугун-чи? Юртимизнинг истанган худудига боринг, замонавий кўринишда қад ростилаган коллежни учрата-сиз. Унда таълим олаётган ёшларни қўриб, ҳавас қиласиз. Менга ҳам ҳаминша фарху ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, ўзим ана шундай илм масканларидан бирида — Косонсой тиббиёт коллежиде ёшларга сабаб бераман. Бу Истиқлол шарофатидир! Одатда, Мустақиллик байрами нишонланганда, юртимизда байрам шуқури давом этаётган кунларда янги ўқув йили ҳам бошланади. Кутаринки кайфият ва янги куч-қувватда дарс ўтиш мароғи эканини таърифлаш қийин. Ўқувчиларнинг юзидеги табассум, ҳаяжонни айтмайсизми? Ҳар гал улардан биринчи бўлиб Мустақиллик байрами қандай ўтганини сўрайман. Дадил туриб, тўлиб-тошиб гапиринишди. Уни эшитиш завқи ўзгача. Хуллас, бу байрамни биз доимо соғиниб кутамиз. Гарчи у маълум бир кун ичида нишонланса-да, унинг шуқури, таровати бизни йил бўйи тарқ этмайди.

— Қандай байрам бўлмасин, уни нишонлаш, шундай қутлуг кунларда дўсту бирдорлар билан бирга бўлиш завқига нима етсин. Шу боис ҳам имкони борича айёлларни ўзгача кайфият билан қутиб олишга ҳаракат қиламиз. Лекин уларнинг ичида Мустақиллик олайми барибир бошқача. Шахсан шу кун мен оилам даврасида бўлиб, байрамни тўқин дастурхон атрофида қутиб олишни хуш кўраман. Ўрни келганда дилимдаги гапни ҳам айтиш. Қаранг, бир пайтлар коллеж деган сўз муомаладада умуман йўқ эди. Бундай илм даргоҳининг мақсади, вазифалари қандай эканини, ҳатто тушунмасдик ҳам. Бугун-чи? Юртимизнинг истанган худудига боринг, замонавий кўринишда қад ростилаган коллежни учрата-сиз. Унда таълим олаётган ёшларни қўриб, ҳавас қиласиз. Менга ҳам ҳаминша фарху ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, ўзим ана шундай илм масканларидан бирида — Косонсой тиббиёт коллежиде ёшларга сабаб бераман. Бу Истиқлол шарофатидир! Одатда, Мустақиллик байрами нишонланганда, юртимизда байрам шуқури давом этаётган кунларда янги ўқув йили ҳам бошланади. Кутаринки кайфият ва янги куч-қувватда дарс ўтиш мароғи эканини таърифлаш қийин. Ўқувчиларнинг юзидеги табассум, ҳаяжонни айтмайсизми? Ҳар гал улардан биринчи бўлиб Мустақиллик байрами қандай ўтганини сўрайман. Дадил туриб, тўлиб-тошиб гапиринишди. Уни эшитиш завқи ўзгача. Хуллас, бу байрамни биз доимо соғиниб кутамиз. Гарчи у маълум бир кун ичида нишонланса-да, унинг шуқури, таровати бизни йил бўйи тарқ этмайди.

Эргаш хонимнинг, Жўзхон виллояти, Зомин тумани.

Баҳоидиром ҚОДИРОВ,
Номангон виллояти,
Косонсой тумани.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Биринчи ярим йилликда қасб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар қурилишига оид марказлашган маблағларнинг **82** фоизи ўзлаштирилди.

Биринчи турда Андрей Мирзаахмедов бошчилигидаги Ўзбекистонлик ёш шахматчилар Австралиянинг учинчи жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратилганди. Иккинчи турда уларга Шри-Ланканинг биринчи жамоаси рақиб бўлди. Қизилқарий кенган баҳсда Жамшид Мустафоев — Ражапқашани, Хуршид Мустафоев —

ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Сингапурда шахмат бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида навбатдаги Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси давом этмоқда.

Биринчи турда Андрей Мирзаахмедов бошчилигидаги Ўзбекистонлик ёш шахматчилар Австралиянинг учинчи жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратилганди. Иккинчи турда уларга Шри-Ланканинг биринчи жамоаси рақиб бўлди. Қизилқарий кенган баҳсда Жамшид Мустафоев — Ражапқашани, Хуршид Мустафоев —

МАМЛАКАТ бўйлаб

Фаоллик янада ортади

Урганчада "Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, сиёсий партиялардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг билим ва ишчанлигини ошириш, жойларда фуқаролар йиғинлари раисларининг обрўсини кўтариш, оила ва никоҳ, қонунчиликни кенг тарғиб қилиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат аъзолари иштирок этган маъруз тадбир Фуқаролик жамиятини ўргатиш институти вилоят филиали томонидан ташкил этилди.

О. РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Мустақиллик тенгдошларига фуқаролик паспортлари

Тошкент вилояти ҳокимилиги, Ички ишлар бошқармаси ва "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими Мустақиллик байрамимиз олдидан хайрли ишга қўл урди.



Вилоят туманларида истиқомат қилувчи, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва моддий кўмакка муҳтож оилаларга, болалигиндан ногирон 105 нафар йиғтиқизга тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти топширилди.

Истиқлолнинг илк йилида туғилган ёшлар тадбирдан сўнг мамлакатимиз Бош майдонига бўлиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гуллар қўйишди. Шунингдек, Хотира майдонини зиёрат қилдилар.

А. ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ишбилармон ёшлар

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган «Ишбилармон ўқувчи — 2007» танловининг вилоят босқичи ўтказилмоқда.

Тошкент вилоятидаги шахар ва туман босқичларидан голлик чиққан 30 нафар академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари биринчилик учун кураш олиб бордилар. Тадбирда ҳакамлар қатнашчиларнинг иходий салоҳияти, тадбиркорлик кўникмаларини қай даражада эгаллаганлиги, «аёло» баҳоларга ўқини, чет тилларни билиши, партия ишларидаги фаоллиги, етакчилик қобилиятига алоҳида эътибор қаратилар.

Ю. БҲОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Янги ўқув қошонаси

Избоскан туманидаги қишлоқларда бугун қўлпаб замонавий касб-хунар коллежлари қуриб битказилмоқда. Сунги уч йилнинг ўзига Туртқул, Лўғумбек қишлоқларида бир неча муташаш ўқув бинолари қад ростлади.

Кўни кеча Майғир қишлоғида ҳам уч қаватли кўркем қошона қуриб битказилди. 540 ўқувчи ўрнига эга бўлган маъруз даргоҳ транспорт, машина хизмат соҳалари бўйича сервис хизмати кўрсатувчи мутажассислар тайёрлайди.

Одижон ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Тадбиркор аёллар ўқуви

Тошкент шахар тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмасида турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга бағишланган ўқуви бўлиб ўтди.

Тошкент шахар тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмасининг етти юздан зиёд аъзоси бор. Уларнинг аксарияти маъруз бирлашма кўмагида тадбиркорлик сир-асрорини ўрганиб, ўз бизнесини йўлга қўйган.

Бирлашма томонидан ҳар ойда мунтазам равишда "Тадбиркорлик асослари" ва "Иқтисодий сабоқлари" мавзусидаги дастурий семинар-масъулотлар ташкил этилади. Тадбиркор аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқиш, бозордаги талаб ва тақлифни ўрганиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилиш учун кўргазмалар ташкил этиш ўз

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири.

Юртимиз равнақ топсин

Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники" широри остида катта байрам бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида "Маҳалла кўни" муносабати билан ҳудуддаги маҳаллаларга ўтказилган танлов голликлари тақдирландилар. Унда 9 та маҳалладан 6 таси турли номинациялар бўйича совринли ўринга муносиб доб топилди.

Барчамизнинг мақсадиимиз бир — юрт равнақига ҳисса қўишиш, халқ тинчлигини асраш, — дейди "Ёшлик" Талабалар шахарчаси ҳокими Рузимурод Чориев. — Фарзандларимиз қалбида она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат уйғотиш билан бирга уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишимиз лозим.

Шонра БОЙМУРОДОВА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисига сиёсий партиялар фракциялари вакиллари одаддагидан кўра ўзгача ҳаяжонда кириб келдилар. Бунинг сабаби кун тартибига қўйилган асосий масала: фракциялар раҳбарларининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимига сайланиши эди.

Миллий парламентаризм: ИСЛОХНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

Профессионал асосдаги фаолиятини 2005 йили бошлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўзининг биринчи мажлисида нисбатан кўп депутатлик ўрнига эга бўлган ЎзЛиДеП ва ЎзХДП фракция вакиллари билан вакилни Спикер ўринбосари этиб сайлаган эди. Орадан ўтган икки ярим йил мобайнида республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўтказилаётган ислохотлар ўз самарасини кўрсатди. Хусусан, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини туб асосларини бунёд этишга пухта замин яратилди.

Шу жумладан, жамиятда ҳақиқий маънода кўппартиявийлик тизими вужудга келди, мавжуд бешта сиёсий партия фуқароларнинг сиёсий фаолиятини муттасил ошира бориш орқали уларнинг мамлакат тақдирига дахлдор масалалардаги иштирокини янада юқори погоналарга кўтарди.

Мухтарам Юртбошимиз ташаббуси асосида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўнрайтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини мутлақо янги босқичга кўтаришга замин яратди. Конституциявий Қонун 2005 йилнинг 1 январидан қуч

Республикамизда миллий парламентаризм институти шакллантириш борасида муҳим ва залворли одим бўлган ушбу янгиликнинг мазмун-моҳиятини партиядошларимиз орасида кенг тушунтириш, тарғиб-

Миллий парламентаризм: ИСЛОХНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

ташвиқ этиш ишларини йўлга қўйиш шу бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади, албатта.

Шуни биринчи навбатда таъкидлаш жоизки, сиёсий партия фракцияси раҳбарининг Спикер ўринбосари лавозимига сайланиши партиянинг ҳам Қонунчилик палатасида, ҳам бутун мамлакат миқёсида нуфузини оширади, партия фракциясининг давлат бошқарувида таъсирини кўнрайтиради, Парламентда сиёсий партия фракциялари ўртасида соғлом рақобатни таъминлайди, уларга тенг ҳуқуқ ва шарт-шароит яратди. Сиёсий ислохотнинг бу босқичи давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришда, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партияларга бўлган юқсак ишонч орта бораётганидан далolat беради.

Қудрда қўриқ этилганидек, ҳозирги Кадрлар Ишқилик палатасиданги сиёсий партиялардан нисбатан кўп

Муносабат

пайтда бу нормаларнинг амал қилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди.

Эндиликда Спикер ўринбосари сиёсий партия фракция аъзоси сифатида ўз партияси мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилади, партиянинг дастурий гоъяларини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирокчига айланади. Шунингдек, муайян кўмига аъзоси сифатида қонунларнинг пухта ва мукамал қабул қилинишига, амалдаги қонунлар иқросини назорат қилишда партия электорати хоҳиш-иродасини ифода этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, фракция, одадда, Қонунчилик палатаси доирасида фаолият юритади, бинобарин, фракция раҳбари маъкевининг ортинги авваламбор фракциянинг парламентдаги ролини оширади. Айни чоғда, Спикер ўринбосарининг ваколати Спикерининг ўринбосарлари ўз фаолиятда Қонунчилик палатаси кўмиталарининг таркибига сайланиши, фракциялар ва депутатлик гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас, шунингдек, ў сиёсий партиядаги аъзоларини тўхтатиб туриши белгилаб қўйилган эди. Бундай талаблар партияга ишонч билдирган, партиянинг сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаган сайловолди қўриқдан, партиянинг аъзолари билан муносабатларини чегаралаб қўриқди. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партиялар ва уларнинг Парламентдаги фракциялари олдинга улкан вазифалар юқлаётган бир

Абдуғуфур МАМАТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси.

МУСТАҚИЛ ЮРТ ҒАЛЛАСИ

Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ: ЎЗБЕКИСТОН — ФИДОЙИ ВА ҒАЙРАТЛИ ИНСОНЛАР ВАТАНИ

Халқимизда нон азал-азалдан энг азиз ва лазиз нәмъат сифатида эъзоланади. Уни увол қилмаслик гўдақлигимиздан қўриқилади. Шу боис юқоридagi ҳолат бармоқ билан саналувчи даржада оз, онда сонда учраб турад-да, аммо тариклигимиз рамзи нон ҳақида гап кетар экан, бу ҳам қўл. Зотан, нон ҳан қон қўнғилга ўрмайдиган мўлжизавий нәмъатдир. Эҳтимол,

нонга зорлигини билишармикан? Ер юзидagi норасида гўдақларнинг ундан бир қисми қорни тўйиб оқат ёлмай қўйлаётганини-чи? Ёки инсонларарқил эрдэмга қўз тикиб ўтирган айрим давлатлар аҳлиси аҳолини ҳис қилишармикан?...

Бир танашимизнинг тўйида 200 та барқашдек нон ортиб қолди. Уларнинг ҳар бирига таҳминан ярим килога яқин ун кетган тақридан, бу қарийб 100 килограмм ун исроф бўлди, деганликдан бу ҳоқорқ ўзбек оиласининг 1-1,5 ойлик сизқаси-ку? Қолаверса, шунча

Сарфланган маблаг ҳазилкам эмас-а? Шунингдек, галла нисоллари бўй қўзиб, ҳосил тўлашига қадар деҳқоннинг озмуна меҳнати сизқадими?...

Хуллас, бугунги тўқчиллик, муваффақиятлар замирида узқочни кўра билиб, илгари сўрилган оқилона ислохотлар, деҳқоннинг залворли меҳнати муҳассам. Чунқони, маҳаллий иқлим шароитимизга мос нав яратиш бўйича чет давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, галла экиладиган майдонлар кенгайтирилди борди. Энг муҳими, ер ҳақиқий эгаларига топширилиб, ризқ-рўзимизни яратишдек масъулиятга вазифа фермерлар зиммасига тушди. Амалдаги йилда оиланинг бугдой тўлиғича оларнинг ҳиссасига тўри келди. Қўнарлик, деҳқонлар хизматига яраша рағбат кўраётир. Чунки ер деҳқоннинг измида. Шартномадан ортиқ ёнига қолади. Шу маънода донга сепган деҳқон борки, омбори дон-дунга тўлди. Бундай хонадонларнинг дастурхони тўқин, эртасидан кўнгли тўқ бўлади. Бундай элда тўлтананаларнинг кети ўзинмайди.

Бирок тўқликка шўхлик қилиб, бугунги иқобий натижаларни сунистеъмол қилмаслик керак. Ҳозирги экологик муаммолар таъсири сезилаётган бир пайтда бир сизким дон этиштириш осон иш эмас. Бунинг учун деҳқон йил — ўн икки ой тер тўқди. Меҳнатдордан тортиб, комбайнчигача унинг ёнига қиради. Ўзбек халқи нонни эъзолашининг туб моҳияти ана шу меҳнатга қаратилган. Нон қиёфасида инсон улғуланади, деҳқоннинг захматли ишхизмати қадрланади. Баъзан ўйлаб қолсан,

бошқа озиқ-овқат маҳсулотларисиз маълум муддат яшаш мумкиндир. Нонсиз бунинг асло иложи йўқ.

Бугун бозорларимизда бугдой, ун севоб. Дўқонларда ноннинг турфа хилидан бор. Хоҳлаганингича. Хонадонларда ҳар тонг қўйишдек ширмой нонлар ёпилади. Лекин айримлар бу бебаҳо нәмъатнинг қадрига етмаётгани киши кўнглини хиқил қилади. Яшириб нима қилди, тўй-маърака, йиғинларда дастурхонда нон бўла туриб, бутунини келтириб сиздиради. Аянтқас, шахар жойларда ахлтонлар олдида ташлаб келтирилган нонга қўзимиз тушади. Эътибор берсангиз, уларнинг ҳатто суви қочмаган. Дориларимизда қўнларда яшаётган юртдошларимизнинг базилари айни пайтда дунёнинг 840 миллион кишиси бир бурда

да ҳосил тугунчалари, ҳатто қўсақлар тўқилиб кетади. Шунинг учун мейёрни билиш керак. Бу борада мутажассисларнинг тавсияси қўйилган: қатор ораси 60 сантиметрли гўза майдонларда қўзимизнинг ўртадаги иш органи 14-15 сантиметр, қатор ораси 90 сантиметр қилиб экилан майдонларда 16-18 сантиметр, оғир тупроқли, амчлиги юқори дала

ларда эса 20-22 сантиметр гача ўрнатилгани маълум.

Август ойида микроблардан алоҳида масъулият ва маҳорат талаб қилинади. Оби ҳаётни тежаб-теғаш, гўзани қондириб сўғориш лозим. Сўғориш тунда, эгит ташлаб ўтказилса янада яқши. Тақриблардан маълумки, бундай қилинса, аввало, сув тежалади, қолаверса ҳосил эрта пишиб этилади. Баъзилар қатор

орасига қанча сув қўп оқса, шунча яқши қабилда иш тутади. Бундай қилиш асло яраммайди. Чунки тупроқ намлиги ортиб, озуқа ўнсурлари ювчиб кетади. Ғўзанинг айнаи гуллаш ва ҳосил тўлаш даврида сўғориш мейёри 800-900 ва 1100-1200 куб метр бўлиб, ундан оширмаслик керак. Бунинг учун ўқ ариқлар ораси 100-150 метрдан эиёб бўлмаслиги лозим.

Ҳосилга ҳосил қўишининг яна бир шартни чеканқанат сифатли ўтказишдир. Институт олимларининг қўп биллик тақрибларидан маълумки, қилғиш ўз вақтида ва сифатли ўтқа-

зилса, қўсақлар очилиши 7-10 кунга тежалашиб, ҳосилдорлик гектарига 1,5-2,5 центнерга ошади. Шу қўнларда маъруз фермерлар ана шунга эътиборга олган ҳолда меҳнат қилмоқда. Натижанда даладаги офтобга талпинган гўзалар барқ уриб ривожланапти. Шоналар гулга, гуллар қўсақга айланмоқда. Ғўзалардаги бўлиқ қўсақлар бу йилги ҳосил мўл бўлишдан даррақ берапти.

Феруза ҲАСАНОВА, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти бўлими бошлиғи.

ОФТОБГА ТАЛПИНГАН ҒЎЗАЛАР

Пахтачиликда йил бошидан қилинган меҳнат бир томонун август ойидаги меҳнат бир томон. Буни мутажассислар ҳам, миришқор деҳқонлар ҳам яқши билади. Чунки айнан август ойида ҳосил тақдирини ҳал бўлади. Шунинг учун гўза парварлишини табақалаштирилган ҳолда олиб бориб, қатор оралиғига ишлов беришини сўсайтирмаслик керак.

Айримлар қўзимизни ўта чуқур, базилар эса юза юргизадилар. Тадбирнинг нозиклиги шунданки, иккала ҳолда ҳам гўзани эриб етати. Негаки, мейёрдан ортиқ чуқур ишлов берилса, ўсимлигининг илдизи шикластанлади. Агар саёв бўлса, илдизи тизимига ҳаво ва иссиқлик камроқ ўтиб, тупроқнинг айрим физиканвий ҳодисалари ёмонлашади. Бунинг оқибати-

да ҳосил тугунчалари, ҳатто қўсақлар тўқилиб кетади. Шунинг учун мейёрни билиш керак. Бу борада мутажассисларнинг тавсияси қўйилган: қатор ораси 60 сантиметрли гўза майдонларда қўзимизнинг ўртадаги иш органи 14-15 сантиметр, қатор ораси 90 сантиметр қилиб экилан майдонларда 16-18 сантиметр, оғир тупроқли, амчлиги юқори дала



ЖАҲОН 24 соат ичида

Харажатларни қисқартирди

АҚШ Конгрессининг куйи палатаси Европада ракетага қарши мудофаа тизимини жойлаштиришга кетадиган харажатларни 45 фоизга қисқартирди...


Куйи палата томонидан муҳокама қилинган қонун лойиҳасида АҚШ 2013 йилга қадар Шарқий Европада ракетага қарши мудофаа тизимини ўрнатиш учун 4 миллиард доллар сарфлаши кайд қилинган.

Носозлик туфайли

«Дальвия» компаниясига қарашли «Ту-214» самолёти Москва-Хабаровск йўналиши бўйича парвозни амалга ошираётган пайтда унинг двигателларидан бирида юзага келган носозлик туфайли Благовещинскга қўнишга мажбур бўлди...

Биринчи бор намоиш этилди

Эрон ҳарбийлари мамлакатда ишлаб чиқарилган «Azarakhsh» кирувчи самолётини биринчи бор ошқора намоиш қилди. Манбада келтирилишича, у Американинг «F-5» самолётига асосланиб яратилган...



Шунчаки таҳдид... ми?

АҚШнинг бошқа давлатлардаги элчиликларини ва турли компанияларини «Ал-Қоида» ташкилоти томонидан ҳужум уюштирилиши мумкин. Мазкур террорчи ташкилотнинг Американинг бўлиниши асосида Адам Яхйи Гаддан мурожаати туширилган видеотаъсирда шу ҳақда айтилган...

Банк раҳбарининг илк ташрифи

Жаҳон банкнинг янги президенти Роберт Целлик ўзининг биринчи расмий ташрифини Камбоджадан бошламоқда. У икки кун мобайнида мамлакат бош вазири ва расмий доиралари билан музокаралар олиб боради...

Қарз кафолатланган, аммо...

Беларусь Президенти Александр Лукашенко «Газпром» қаралари тўлалигини кафолатлаган бўлса-да, Россия компанияси бир ҳафтадан сўнг мамлакатга газ етказиб бериш ҳақми 30 фоизга қисқартирилишини билдириди...

Тежалгани фойдами?

Америкадаги энг нуфузли нашрлардан бири «The New York Times» саҳифа ўлчамини 4 сантиметрга қисқартирди. Унинг сўзларига кўра, музокара ўтказувчиларнинг хавфсизлигини Толиблар кафолатлайди...

Музокарага тайёр

Айни пайтда 21 нафар Жанубий кореялик фуқарони гаровда ушлаб турган Толиблар расмий Сеул билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга тайёр. Бу ҳақда Толибларнинг махсус вакили Қари Юсуф Аҳмадий маълум қилди...



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»:



ТАДБИРКОРГА КАМАРБАСТАМИЗ!

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки республикамиз аҳолисига ўзининг 75 филиали, 269 минибанки ва 9 агентлиги орқали хизмат қилиб келмоқда. Мазкур микрокредитбанк муассасаси хизмат турлари билан мамлакатимизнинг энг чеҳка ҳудудларини ҳам қамраб олди...

Дилшод Облозарович, «Микрокредитбанк» иш бошлаганига мана, бир йилдан ошди. Бу давр мобайнида микрокредитбанк борасида қандай таъриб бўлди?

Ававало, шунинг айтиши керакки, микрокредитбанк билан шуғулланидиган банкларнинг қўлч қўли борибди. Бундай банклар тармоғи айни пайтда бутун дунёда турмуш фаровонлигини ошириш учун замонавий хизмат кўрсатмоқда...



Кичик корхоналарни кенгайтириш, уларнинг айланма маблағларини қўлайлаштириш ва ишлаб чиқаришни саноат асосида ташкил этиш борасидаги савий-харажатлар ҳам биргаликда олиб борилди. Натيجида, банкимизнинг миқдорлари ойдан-ойга қўяя борди...

Хозирга қадар ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилган микрокредит хизматлари микродор қанча бўлди?

Банкимиз иш бошлаганидан буюн «Микрокредитбанк»нинг Андижон вилояти филиали тадбиркорлик субъектларига ажратган микрокредитлар ва микрокредит хизматлари ҳажми 4,5 миллиард сўмдан ошиб кетди. Утган йилнинг ўзига 1,4 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди, 201 миллион сўмлик микрокредит хизматлари кўрсатилди...

Микрокредитбанк билан халқ ҳўжалигининг қайси соҳалари кўпроқ қамраб олинмоқда? Шунинг айтиши керакки, кичик бизнес деганда, факат нововий, сартош ва энг энгиз хизматини тушунамлик керак...

халарига ҳам фаол ёрдам бермоқда ва йирик саноат корхоналари доирасига кириб бормоқда. Масалан, Япониянинг «Тойота» сингари дунё бозорида муҳим ўрин эгаллаган автомобилларнинг кўпгина муҳим қисмларини хусусий тадбиркорлар ва микрофирмалар тайёрлаб бераётгани бугунги кунда ҳаммага аён...

Қўшқоқ ҳўжалигини ривожлантириш доим банкимизнинг диққат марказида. Шу боис, қўшқоқ ҳўжалигига ўтган йилнинг иккинчи ярмида 265 миллион сўм микрокредит ажратилган эди. Жорий йилнинг ўтган ярмида бу кўрсаткич 819 миллион сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 2006 йилнинг иккинчи ярмида 295 миллион сўм ажратилган эди...




сўмлик, бу йилнинг ўтган ярмида эса 611 миллион сўмлик микрокредит ажратилди.

Келажагимиз бўлган ёш оилаларнинг оёққа туриши ва ўзини тиклаб олишига қўмаклашиш кейинги пайтда жамиятимиз олдига турган долзарб вазифалардан бирига айланди.

Узбекистон Республикаси Президентининг шу йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон тижорат банклари зиммасига жамиятимизнинг энг фаол бўлини хисобланган ёш оилаларнинг моддий пай-деворини мустаҳкамлаш борасида му-

ҳим вазифаларни юклайди. «Микрокредитбанк» томонидан ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш борасида аниқ дастур тўзилди. Ёш оилаларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўзларига доимий даромад манбалари яратишлари мақсадда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун уларга бошланғич сармояни шакллантиришлари ва бошлаган бизнесларини ривожлантиришлариغا имтиёз-



ли микрокредитлар ажратилиб, микрокредит хизмати кўрсатилмоқда. Айниқса, маҳалла гузарлари қўшиқда ёш оила ташкил этилган кичик ишлаб чиқариш цехлари, қандолатчилик, гилам тўқиш, нововийоналар ташкил этиш сингари яратувчилик ишларини имтиёзли кредитлаш қўшиқда тўтиломоқда. Ипотeka ва истеъмол кредитлари ажратилиш йўли билан уй-жой сотиб олиш, уй ҳўжалигини йўлга қўйишда ёш оила қўллаб-қувватланаётти. Ёш оила қўллаб-қувватлашга имтиёзли кредитлар ажратилиш йўли қўйилди. Уларнинг мебеллар, ошхона жиҳозлари, теле-видео жиҳозлари, спорт анжонликлари ва бошқа уй-рўзгор буюмлари харид қилишлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 300 барава-

ри миқдорда 3 йил муддатга кредит берилди. Тўй маросимлари учун ҳам микрокредитлар белгиланди. Унинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравагича бўлиб, бу ҳам 3 йил муддатга берилди. Банкнинг микрокредитлари ёрдамида ташкил этилаётган хизмат турлари ва тадбиркорлар ишлаб чиқараётган ҳаёт зарур маҳсулотлар тўғрисида нималар дея оласиз? Масалан, Андижон туманида истиқомат қиладиган Давронбек Жалилов узоқни қўллаб иш юритадиган тадбиркорлардан эканлигига ишонч ҳисил қилган, биз у билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Натيجида, Андижоннинг ўз чинини пайдо бўлди. Давронбек, ававало, қўшқоқдан четдаги ташланбанд бичони

олиб, уни ишлаб чиқариш цехига мослаштирди. Катта ҳажмда қўрилдиш ишлари олиб борди. Муҳими, иккита чинчи пишириш цехи қўрилди. Тадбиркорнинг хайри ишларини амалга ошириш учун тўплаган жамғармалари тўғрача, «Микрокредитбанк»га мурожаат этди. Ажратилган 5 миллион сўм микрокредитга энг зарур хом ашё — қаслин ва бошқа зарур жиҳозлар олиқди. Бозорга чиқарилган илк чинчи буюмлар харидорлар томонидан яхши қўлиб олинди. Ёш тадбиркор бошлаган иш юришиб кетди. Мазкур корхонада ҳозир 25 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда қўнига 2000 дона пийла ва 800 та чойнак ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ҳисоб рақамидан ойнага 10 миллион сўм атрофида пул муомаласи бўлмоқда. Ойлик соф фойда икки миллион сўмдан ошаётти.

Банк билан миқоз ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва тақомиллаштириш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Микрокредит олдиди масъулиятни ошириш борасида кейинги йилларда жуда катта натижаларга эришилди. Ававало, банкимиз аҳолига энг муҳим ва биринчи даражада зарур тўловларни вақтида тўламоқда. Кейинги йилларда нақд пул муаммосига барҳам берилди. Шунинг учун аҳоли ортқича пуллари омонат сифатида банк томонидан ташкил этилган 12 хилдаги турли омонатларга келтириб топширмоқда. Айни кунда аҳоли омонатларининг қолдиғи вилоятимиз филиалида 602 миллион сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 85 миллион сўм ортқиқ. Бугунги кунда микрокредит банкимизга ишончли ҳамкор сифатида муносабатда бўлаётган икки қувонarli холдир. Масалан, микрокредит — «Қандор» кичик корхонаси билан йўлга қўйилган ҳамкорлигимиз ҳар томонлама муваффақиятли бўлмоқда. Бу корхона миллий ҳўнармандчилик мақтабимизнинг пичоқ ясаш санъатини тиклаш билан биргаликда, бутун дунёга машҳур қиляпти. Корхона раҳбари Соҳибжон Невътов ясаган пичоқлар ва бошқа қандорлик буюмлари Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари, Хитой, Япония, Швеция, Швейцария ва Германия каби мамлакатларнинг бозорига нафақат рўзгор буюмлари, балки эсдалик совага сифатида қадрланмоқда. «Қандор» кичик корхонаси Узбекистон Республикаси Президенти томонидан унўн ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловни гўлиб бўлди ва «Матиз» автомобил ياسил билан тақдирланди. Банкимиз кўп йиллардан бери ушбу кичик корхона ютуқлари учун барча моддий асосларни яратиб келмоқда. Банкимизнинг жойлардаги барча филиаллари миқозлар билан ана шундай ишонч ва ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида ишлашга ҳаракат қилмоқда. «Микрокредитбанк» Андижон вилоти филиали ходимлари ва мутахассислари ўзларининг барча савий-харажатларини тадбиркорлик ишлари қўлимини кенгайтириш, яратувчилик фаолияти самарадорлигини ошириш ва миқозларнинг талаб ҳақда ахтиёжларини ҳар томонлама қондиришга қаратмоқдалар.

Рашид РАҲУПОВ суҳбатлашди.

Яхши хабар

Асл деҳқон гап ҳосилда эмас, балки тола миқдорини унинг сифатида эканлигини жуда яхши билади. Мана шу ҳолатни ҳисобга олиб, Сирдарё вилоти ҳокимлиги яхши бир ташаббусни бошлаб берди.

МАҚСАД — МАНОФААТДОРЛИК

Вилоятдаги қайси фермер ҳар гектар пахта мейдонидан ўртача 40 центнердан ҳосил кўтарса ва унинг 90 фоизини биринчи навга сотса, унга 500 миң сўмдан то 2 миллион сўмгача муқофот берилди. Ташаббусни биринчилардан бўлиб боёвтуликлар қўллаб-қувватлади.

Боёвту Мирзақўлнинг пахтачилик мақтаби ҳисобланади. — дейди туман ҳокими Дилмурод Фозилов. — Биринчи августгача туманидаги икки юз нафар фермер пахтадан қайта ишлайдиган корхоналар билан келишув ҳужжатларини имзолашди. Яна бир муҳим шартларини тўлиқ бажарган ҳар бир фермер 2008 йилнинг 1 январига қадар топширган ҳосили пулини ўз ҳисоб рақамига тўлиқ тушириб олади.

Бугунги кунда вилоят буйича миңдан ортқиқ фермер ҳўжаликлари пахта ҳосилини қайта ишлайдиган корхоналар билан келишув ҳужжатларини имзолашди. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, мана шу фермерлар даласидаги ҳар тўп тўзада айни пайтда 7-8 донадан тўқ кўсақ ва 15-20 тадан шона ва гўл бор.

А. ХОНИҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ!

Ажратилган ер участкасига оид далолатнома асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш, шунингдек, ишларни давлат рўйхатидан ўтказиш негизда ўз маблағлари ҳисобига ер қазрини геологик хижатдан ўрганиш ишлари билан шуғулланаётган барча корхоналар ва ташкилотлар эътиборига. Ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини қайта расмийлаштириш ва белгиланган намунадаги лицензияларни бериш муддати 2007 йил 7 августда тугашини маълум қиламиз. Ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар олган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати вилоят солиқ идоралари ва прокуратурага, «Саноатконтенхазорат» Давлат инспекциясига ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юборилади. Қонунчиликка мувофиқ, ушбу органлар ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензияларга эга бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятларини тўхтатиб қўйишлари лозим.

Ўз маблағлари ҳисобига фойдали қазилмаларни қазиб олаётган ва ер қазрини геологик хижатдан ўрганаётган корхоналар ва ташкилотларнинг барча раҳбарларига 2007 йил 7 августгача бўлган муддатда қуйидаги манзил бўйича ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар олиш учун буюртмаларни Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига тақдим этишни тақлиф қиламиз: 100060, Ташкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11-уй. Телефонлар: 153-86-37, 153-05-40.

Республика акциядорлик тижорат банки «ФАЛЛАБАНК» ўз акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади. Кун тартиби: 1. РАТБ «Фаллабанк» устав капиталини ошириш, эълон қилинадиган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш ва муомаласи ҳақидаги тўғрисида. 2. Банк уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 3. Банк томонидан қимматли қўғозлар эгаларининг рўйхатини тузиш санаси тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси — 2007 йил 3 август. 4. Қимматли қўғозлар эгаларининг рўйхати тузиладиган сана — 2007 йил 8 август.

Республика акциядорлик тижорат банки «ФАЛЛАБАНК» фаолиятига оид муҳим фактлар тўғрисида маълумот. Банкнинг тўлиқ номи — Республика акциядорлик тижорат банки «Фаллабанк». Банк жойлашган манзил — 100060, Ташкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Маълумот тартиб рақами — 07. 1. Муҳим фактнинг номи — акциядорлар рўйхатини ёпиш санаси (акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши муносабати билан). 2. Банк томонидан қимматли қўғозлар эгаларининг рўйхатини тузиш санаси тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси — 2007 йил 3 август. 3. Қимматли қўғозлар эгаларининг рўйхати тузиладиган сана — 2007 йил 8 август.

ҒИШТ ЗАВОДИГА Ғишти печга терувчиларни ва газ-электр чилангарларни юқори маошли ишга тақлиф қиламиз. Ётоқхона таъминланади. Тел.: 388-15-80, 137-12-62.

ЭЛЕКТРОН ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАСИ. Ташкилот замонавий компьютерга уландирилган, соатига 25 м³ дан 2250 м³ гача ўлчайдиган турли хил электрон газ ҳисоблаш ускуналарини сотади. Махсулот сертификатланган. Манзил: Ташкент вилоти, Чирчиқ шаҳри, Қангли кўчаси, 16-А-уй. «Харақатга ТехнолоҒия» МҶЗ. Телефонлар: 183-66-88, (8 370 71) 5-59-87, 5-62-27. Факс: (8 370 71) 5-61-73. E-mail: harakat2004@mail.ru

СПЕЦТЕХНИКА ИЗ КИТАЯ Под заказ www.spetstechnika.com РЕАЛЬНАЯ ТЕХНИКА ЗА РЕАЛЬНЫЕ ДЕНЬГИ. Грузовики, Самосвалы, Бетонные тягачи, Сельскохозяйственные Экскаваторы, Автокраны, Трейлеры, Дорожные катки, Бульдозеры, Автогрейдеры, Погрузчики, Дорожные катки, Автогрейдеры, Экскаваторы, Под заказ. Тел.: (+998712) 54-77-19, (+99890) 328-29-48. e-mail: info@spetstechnika.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



Ўзинг менинг улуғлардан улугимсан, Ватаним!

мас, деганларидек, ўтган ёзу қишда кўр тўкиб, мағрибдан машриққа ўтган қарвон-қарвон булутлар тўдаси бугун тошқин дарё бўлиб, Хоразмга қайтаётди.


Эдилар фили боғ, шери нийру, Фалак шери олар олдида тулку. Бири бийрига зўр изҳор айлаб, Ййқорға на амалким, бор айлаб. Бири қул ёнбоши солиб бирига, Бири ичкурмаки олиб бирига.

биан худудий муаммолар мавжуд. Аждодлари ҳатто омонсиз жангларга қаҳ-қаҳ уриб кирган бу ҳушчаққа халқ ушбу худудларда муттаҳил рўй бериб турадиган сув тақчилликларига баҳона эмас, ақл-заковат, тадбиркорликни, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш малакасини қарши қўйиб ўрганганлар. Шунинг учун ҳам Машариповлар пахтазорларида ҳозир ҳар туп ғўзада етти-саккизтадан ҳосил шохлари,

шошилиб келганидек, ўқувчиларнинг мактабга интиқлиги билан, ўқитувчининг ҳар бир сўзига ташна бўлиб келишини орозу қилади. Бу муаллимиз нафақат ўқувчилар мактабга, балки эзгу ишларни тезроқ адо этиш учун ҳамма меҳнат масканларига шошилишини хоҳиш этади. Муаллима бутун мамлакатимиз одамларини яхши ният билан бир-бирларига талпиниб яшашларидан шахсан манфаатдор одам сифатида газеталарга тарғибий мақолалар ёзади.

Спорт Sport Спорт


Гола уришига 16 дақиқа қиёра



Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси ва "Машъал" клуби ҳужумчиси Камолитдин Мурзоев "Динамо-2" (Украина) таркибига қўшилганлиги ҳақида хабар бергандик.

ЯЙПАНЛИКЛАР ШАШТИ БАЛАНД

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати биринчи лигасида иккинчи давра ўйинлари бошланди.



Олий лигага бериладиган йўлланмаларга асосий даявогарлардан саналган "Сўғдиёна" жамоаси иккинчи даврани ҳам галаба билан бошлади. Жиззах вилояти вакиллари сафарда "Шурчи-Лочин" жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Кубок соҳиби Голландия



Россия темир йўллари кубоги учун ўтказилган нуфузли футбол турнири якунида.



дир. Бу тошқинлар, бир сўз билан айтганда, ҳаётдан биз учун. Маълумингизим, тошқинлар бизларга ҳаёт бахш этишлари учун уларнинг ўзлари ҳаёт бўлишлари керак. Бизлар жундан масруримизи, улар, мана қуръамиз, барҳаётдирлар. Тошқинларни ўрганч давлат университетининг талабалари қаттиқ соғинган эдилар. Айниқса спортчи талабалар.

Бири чангоқ солиб, изҳор этиб зўр, Бўюн олиб бири, кўрсатиб шўр. Мадад, чун, бирига толе етурди, Кўториб бири андоқ ерга урди. Ки қулди ул сифат аҳли тамошо, Ки, афлок авжига етди алоло...

тўққиз-ўнтадан кўсак санаш мумкин. Шунинг учун ҳам улар мўлжалдаги ўттиз тонна ўрнига қирқ тонналик хирмонни кўсашмоқда. Хоразмликлар "ота касбини тутган хор бўлмас" дейишади. Ҳар бир хунарда бўлганидек, деҳқончиликда ҳам сулолавийликнинг аҳамияти бешиққа катта. Бу ўринда "Қуш уясида кўрганни қилади", деганларидек болалиқдан шаклланиб борадиган кўникмалар ҳам эҳтимол ирсий хотира ва майлар ҳам ўз таъсирини кўрсатадигандир.

Хоразмлик кураш ишқубозлари Махмуд Раҳимов, Хусанбой Менглиевлардан бениҳоя мамнунлар. Уларнинг шоғирдлари миллий кураш, дзю-до олишуларида кўтчилик рақиблирдан устун келиб, зафарларини ўзлари униб-усган диёр — Хоразмга тўхфа қилдилар. Устоз Жамшиддин Худойберганов шоғирди Шахобиддин Бобожонов эса хоразмликлар учун ноанъанавий бўлган белбоғли кураш мусобақаларида 90 кг. вазн бўйича бронза медални кўлга киритиб, мухлисларни қойил қолдирди.

Тошқинларни "Ибрат-Хурмат" фермер хўжалигининг бошлиғи Бойназар Машарипов, унинг фарзанди ворислари, фарзанд-шоғирдлари Ибрат ва Хурмат Машариповлар ҳам алоҳида бир илҳақлик билан соғинган эдилар. Соғинчнинг факулдада қаттиқлиги шундаки, ота-ўғли Машариповларнинг фермер хўжалиги Қўшқўпри туманида жойлашган.

Севинч қатрлари нигоҳларингда, Жайхунни тоширар қутлуг кўз ёшлар. Иккимизни минг йил кутган экинлар Ҳар баргда минг ҳикमत шивирлай бошлар. Тўхтаб бир махлиё бўлмоқни истар, Саратон кўймайди ҳоли жонига...

Она табиат Хоразмга буюк ташналиқни тақдир этган. Қизил ва Қорақум сарқолари воҳанинг қақраб турган томоғи, қуруқшаган лаблағидир.

Хоразм ана шу хансираган чанқоқликнинг азоблагувчи, ўртагувчи оғриқларига дармон деб билади Жайхунни. Жайхун бевосита, Сайхун эса билвосита Хоразмнинг волидаларидир. Хоразмисиз Амударё, Амударёсиз Хоразм — ҳеч нарсасидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, Хоразм — таң, Жайхун — жон.

Икки кўзин икки улуг дарёдир, Қолган бари дарё эса — дарёчаларим. Бу — Пахлавон Махмуд. Дарёларга хайратланасан. Шундай буюк шоирнинг кўзлари бўлишса. Шоирига хайратланасан. Шундай буюк дарёлар унинг кўзлари бўлишса. Тагин буюк бир хоразмлик ҳам Пахлавон Махмуд ҳазратлари фикрини тасдиқлайди.

Жафоси зўридин икки кўзимдин оқди дарёлар, Ки қолғай остида онинг жаҳон оҳиста-оҳиста. Буюк шоирларнинг, буюк алломаларнинг кўзларидан оқиб чиққан Жайхун ўз хайбати билан жаҳонни фарқ қилгани муболага эмас. Хоразмдан, хоразмликларнинг тавақкур кўзларидан оқиб чиққан дарёлар илим-маърифат, кашфиёт дарёлари бўлиб, маънавий дарёлар бўлиб, жаҳонни оби ҳаёт билан баҳраманд қилганлиги бу — бор гап.

"Жайхун" сўзи, "жустан" ("изламоқ"), "хун" ("қон") маъноларидан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, "Қон изловчи" дарё дегани ҳам муносиб чиқади. Бу таъмин, чиндан ҳам, мантисдан холи эмас. Чунки Жайхуннинг бутун-бутун қалбаларни ўз қомига, ўзининг аждаҳотабиат ўқонларига икки ямлаб, бир ютиб кетганликларини хотирга олсак, унинг "қонхўр" лиги аён бўлади.

Хаттоки тимсоҳлари чўчарадек қайнаб ётган Нил ҳам қонхўр эмас. Дарёлар қонхўр бўла олмайди. Дарёлар ҳаммиса ҳаётбахшидир. Дарёларнинг биз, одамлар учун таҳликали бир хусусияти шундаки, улар дарёдирлар. Шунга кўра дарёдек яшаб, дарёдек қилиқ қилдилар, холос. Амударё фарзандлари, Жайхун зўриёдлари эса дарёвий мифслар, баҳайбат мезонлар билан яшаيدилар. Улар олтимиз-етимши килограмм келадиган нахангларни, масалан "чавақ" деб гапирдилар.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

Advertisement for Gaz vehicles. Includes images of various models like GAZ-3221, GAZ-31105, GAZ-33023, GAZ-32214, GAZ-3307, GAZ-2705, GAZ-3309, GAZ-3307, GAZ-3302. Text describes features and contact information for AVTODOM PLUS.

ЧАГАЕВ — ИБРАГИМОВ ЖАНГИ ҚОЛДИРИЛДИ

Профессионал бокснинг ўта оғир вазнида WBA (Халқаро бокс ассоциацияси) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, хамюртимиз Руслан Чагаев ва WBO (Халқаро бокс ташкилоти) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони россиялик Султон Ибрагимов ўртасидаги қўш камар учун бўладиган жанг номаълум муддатга қолдирилди.

Эсингизда бўлса, мазкур жанг жорий йилнинг 13 октябр кuni Москвадаги "Муз саройи"да бўлиб ўтиши кўзда тутилганди. "Спорт Сегодн" нашрининг хабарига айтилишича, хамюртимиз Руслан Чагаевнинг бетоблиги сабабли жанг қолдирилган. Шифокорларнинг айтишича, Руслан яқин уч ой ичда машғулотларда ҳам қатнаша олмайди. Унинг менежери тиббий хулосалар ва бошқа зарур маълумотларни ташкилотчиларга тақдим этган.

Энди Султон Ибрагимов америкалик боксчи Эвандер Холифилдга қарши жангда WBO чемпионлиги камарини ҳимоя қилади. Мазкур мусобақа 13 октябр кuni ўтказилади.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси сиртки бўлим декан муовини Шавкат Ханнановга онаси ХУСНУЛМАГАН аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' newspaper. Includes contact information for the editorial office.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ'. Includes contact information for the newspaper's editorial office.

Advertisement for 'МАНЗИЛИМIZ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй'. Includes contact information for the printing house.